ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 4 ноябр,
шанба № 176-177 (2226)

# Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди

## Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, аввало, сиз, азиз мезбонларимиз - Хоразм аҳлини, бугунги маросимда иштирок этаётган хорижий меҳмонларимизни, жамоатчилик вакилларини, бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ ва унутилмас сана - Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг шонли санаси ҳақида гапирар эканмиз, аввалambор, бутун дунёга юксак ном ва довруғ таратган бу илму фан ўчоғи айнан Хоразм воҳасида тузилгани, бунинг учун қандай замин, қандай шароит асос бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак, айни муддао бўлур эди.

Башарият тарихи шуни кўрсатадики, халқлар ва жамиятлар ҳаётида цивилизация ва маданият ривожи ҳеч қачон ўз-ўзидан ва тасодифан пайдо бўлиб қолмайди.

Бу борада биринчи галда ҳар қандай тараққиётнинг асосий шарти бўлган объектив омил ва ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Айнан кўп йиллар давомида тўпланиб, вужудга келадиган қулай шароит ва вазият, шу заминда униб-ўсган истеъдодлар, турли соҳаларда олиб бориладиган чуқур изланишлар тадрижий ривожланиб, охир-оқибатда мана шундай мантиқий натижаларга олиб келиши табиийдир.

Бошқача айтганда, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллашга ҳаракат қилиб, шу мақсад сари интилиб яшайдиган ҳар қайси миллат бу йўлда давомли ва машаққатли, ўзига хос тарихий ривожланиш босқичларидан албатта ўтиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Маъмун академиясининг айнан саховатли Хоразм заминида пайдо бўлишини ҳар томонлама объектив қонуний ҳолат деб қабул қилишимизга тўлиқ асос бор.

Тарих буни жуда яхши билади - бу бетакрор ўлкада жуда қадим замонлардан бошлаб ўтроқ турмуш тарзи, деҳқончилик ва суғориш тартиби, савдо ва ҳунармандчилик, маданият ва таълим юксак даражада ривож топгани барчамизга аён.

Жаҳон маданиятининг ноёб маънавий ёдгорлиги бўлган, одамзодни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этадиган «Авесто» китоби бундан 2700 йил олдин мана шу диёрда яратилгани, Шарқ гавҳари бўлмиш Хива шаҳрига ҳам бундан икки ярим минг йил аввал айнан шу ерда пойдевор солингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Хоразм Маъмун академиясининг майдонга келиши, ҳеч шубҳасиз, айнан шу даврда бу минтақада кучли марказлашган давлатчилик тизимининг ҳукм сургани билан узвий боғлиқдир.

Хусусан, Х асрнинг бошида пароканда ва тарқоқ Хоразм ўлкасини бирлаштириб, қудратли давлат барпо этган, ўзаро низо ва зиддиятларга барҳам бериб, тинч ва осойишта ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва бунёдкорлик муҳитини қарор топтирган Маъмун хоразмшоҳларнинг маърифатпарварлик сиёсати мана шундай том маънода ноёб ва нуфузли илм-фан масканининг майдонга келишига мустаҳкам замин яратган.

Юқорида зикр этилган хулосани тасдиқлаш учун бундай тарихий ва мантиқий далил-исботларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бундан минг йил аввал Хоразм заминида «Дорул- ҳикма» деб аталган Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бу кўҳна воҳада неча-неча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи ва натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хива шаҳрида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.**

Хоразм — қадимий тамаддун бешикларидан бири, «Авесто»-дек нодир ёдгорлик яратилган юрт. Илму урфон оламида довруғ қозонган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби алломалар вояга етган диёр. Хоразм — ўтмиши бой, келажаги мунаввар замин.

Истиқлол кўҳна Хоразм тарихида янги, юксалиш даврини бошлаб берди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, бу кўҳна диёрда ҳам мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўзликни англаш, миллий ғурурни уйғотиш, халқимизнинг бой тарихи, улуғ алломалари, бетакрор мероси, асрий анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонлангани, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ана шу хайрли ишлар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда инсоният тарихидаги илк академиялардан бири — Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш таклифини билдирган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Х асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий юксалиш, илм аҳлига ҳурмат-эътибор, меҳр-мурувват ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларини Гурганчда тўплади.

Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун тахтга ўтиргач, хоразмшоҳлар саройидаги илмий анъаналарни давом эттириб, олимларга алоҳида эътибор билан қаради ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Манбаларда Маъмун саройида олимларнинг катта гуруҳи тўпланганлиги ва хоразмшоҳ уларга ҳомийлик қилиб келгани эътироф этилади.

Маъмун академиясида фалакиёт, математика, табобат, кимё, жуғрофия, минералогия каби фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тил, фиқҳ каби ижтимоий фанлар ҳам ривожлангани яхши маълум.

2004 йилнинг 9 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг кузида Хоразм вилоятига сафари чоғида Маъмун академиясига ҳам ташриф буюрди. Мазкур илм даргоҳининг ноёб тадқиқот марказига айланиши, унда минтақа муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий мактаблар шаклланиб, ривож топиши лозимлигини таъкидлади.

2005 йилнинг 1 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бугун академияда давлатимиз раҳбари ўртага қўйган долзарб вазифаларни бажариш учун барча шарт-шароит яратилган. Академия олимлари Юртбошимиз тавсия қилган ва Хоразм воҳаси учун муҳим саналган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, минераллашувни камайтириш ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш; воҳанинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий тавсиялар ва ишланмалар яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг шўрга чидамли навлари селекцияси ва районлаштирилиши, миллий давлатчилик тарихини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар лойиҳасини тайёрлади.

(Давоми 3-бетда)

# Юнесконинг қутлов мактуби

***ЮНЕСКО машҳур Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва юбилей тантаналари иштирокчиларини муборакбод этади.***

Мазкур юбилейнинг нишонланиши маданиятларни ўзаро бойитишда, халқлар ўртасида янада яқин мулоқотни йўлга қўйишда, бутун дунёда тинчликни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маъмун академияси ташкил этилган илк кунларданоқ жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган дунёга машҳур олимлар, файласуфлар, математиклар, мунажжимлар ва мутафаккирларни ўзига жалб этди.

Академиянинг фаолияти аввало Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Саҳл Масиҳий, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро сингари кўплаб буюк алломалар номи билан узвий боғлиқдир. Улар ўз замонасининг етук олимлари билан ҳамкорликда муҳим тадқиқотларни амалга оширганлар.

Бу ерда Илм-фан музейининг очилиши эса ўзбек халқининг ўз тарихини ўрганиш борасидаги азму шижоатининг яна бир амалий ифодаси бўлиб, бу бой маданий ва тарихий мероснинг асраб-авайланишини кафолатлайди.

Айниқса, дунёнинг энг қадим шаҳарларидан бири бўлган Хивада жойлашган Хоразм Маъмун академиясининг Марказий Осиё цивилизацияси ва маданияти тарихида тутган буюк ўрни ҳайратланарлидир.

Академия юбилейининг кенг миқёсда нишонланиши ушбу илм-фан даргоҳини келгуси авлодлар учун динлар, маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотининг ёрқин намунаси сифатида сақлаб қолиш нечоғли муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Биз ушбу тадбирлар ЮНЕСКОнинг энг олий мақсадлари бўлмиш маданий ва диний тўсиқларни бартараф этиш, ўзида ранг-баранглик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мужассам этган бунёдкор ва тараққийпарвар ҳамжамиятни шакллантириш ишларига беқиёс ҳисса қўшади, деб қатъий ишонамиз.

ЮНЕСКО учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейидаги иштироки ҳамда 1995 йилда Ичан қалъанинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилиши бунинг яна бир ёрқин далилидир. ЮНЕСКО бундан буён ҳам ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади.

ЮНЕСКО номидан конференция ва юбилей тантаналарининг барча иштирокчиларига муваффақиятлар тилаймиз.

# Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Чиндан ҳам, Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида «Байтул-ҳикма» номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб, Шарқ мусулмон Ренессанси — Уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади.

Шу даврда айнан бизнинг юртимиздан Шарқ Ренессансининг мумтоз вакиллари - алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган буюк математик Муҳаммад Мусо Хоразмий, ер курранинг шар шаклида эканини биринчилардан бўлиб исботлаб берган улуғ астроном ва географ Аҳмад Фарғоний, ҳадис илмининг султони сифатида бутун мусулмон оламида эътироф этилган Имом Бухорий ва Имом Термизий каби ўнлаб-юзлаб беназир алломалар етишиб чиқди.

Бу даҳо зотлар гарчи Хоразм Маъмун академиясида бевосита фаолият олиб бормаган бўлса-да, ўзининг буюк кашфиётлари, илмий жасорати, қолдирган бебаҳо мероси, кўплаб истеъдодли издошлари билан ушбу илм даргоҳининг вужудга келиши ва тараққий топишига билвосита таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Ўз таркибида юздан ортиқ машҳур алломалар, бир неча юз шогирдларни бирлаштирган, улкан кутубхона, истеъдодли ёшлар учун мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмалар, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган Хоразм Маъмун академияси бугунги тушунчадаги Фанлар академияси талабларига тўла жавоб бериши билан ҳар томонлама сазовор.

Хоразм Маъмун академиясида Шарқ ва Ғарбдаги кўплаб ўлкалардан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу минтақада туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳар бири улкан бир илмий мактаб яратган бундай қомусий истеъдод соҳибларининг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айниқса, Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга солиши муқаррар.

Бу улуғ ватандошимиз математика ва астрономия, геодезия ва фармакология, кимё ва ботаника, география ва этнография, тарих ва фалсафа каби фан соҳаларида 150 дан зиёд асар яратиб, нафақат ўз даври, балки бугунги юксак технологиялар асри учун ҳам ғоятда қимматли кашфиётларни амалга оширганини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис ҳам жаҳоннинг машҳур олимлари томонидан XI аср ҳақли равишда «Беруний асри» деб таърифланиши бежиз эмас.

Яна бир буюк аждодимиз — Берунийнинг устози, Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрида таваллуд топган Абу Наср ибн Ироқ математика ва астрономия соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари билан «Иккинчи Птоломей» деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Хоразм Маъмун академиясининг таянч устунларидан бўлмиш, Шарқ оламида «Шайхур-раис», яъни алломаларнинг алломаси деб эътироф этилган Абу али Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳам ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди.

Улуғ бобомизнинг бой мероси, унинг 400 дан ортиқ илмий кашфиётлари, айниқса, машҳур «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида қўлланганининг ўзи кўп нарсани англатади. Бу фундаментал асар бугунги кунда ҳам дунё табобат илмида ўзига хос қомус бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай мумтоз зотлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Хоразм Маъмун академиясининг довруғини олам узра тараннум этган ўнлаб беназир алломаларнинг мўътабар номлари илм-фан осмонида бамисоли Галактика бағридаги юлдузлардек то ҳануз ёрқин нур сочиб турибди.

Шуниси эътиборлики, ушбу фан маскани нисбатан қисқа давр - 15 йил фаолият кўрсатганига қарамасдан, ўзининг юксак нуфузи ва улкан салоҳияти билан нафақат минтақамиз, балки бутун дунёда илм-маърифат тараққиётига беқиёс даражада таъсир кўрсатганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Айниқса, донишманд аждодларимизнинг қадимги юнон, ҳинд ва хитой, форс ва араб халқларининг илмий ютуқларини чуқур ўрганиб, инсониятнинг тафаккур хазинасини янги-янги назарий ғоя ва амалий кашфиётлар билан бойитганини жаҳон илм аҳли яхши билади ва юксак қадрлайди.

«Дорул-ҳикма» алломалари томонидан яратилган бебаҳо бойликни лотин тили орқали Европа халқларига етказиш учун ўз даврида Ғарб мамлакатларида юзлаб таржимонлар заҳмат чеккани Хоразм Маъмун академиясининг ўша олис ўрта асрлар шароитида, бугунги кунда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлган турли цивилизациялар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қандай салмоқли ҳисса қўшганидан далолат беради.

Шу тариқа Хоразм Маъмун академияси олимлари Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос маънавий-маданий кўприк, умуминсоний қадрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир ҳалқа вазифасини адо этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Афсуски, ана шу қадимий илм-фан марказида яратилган, ҳозирги кунда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган бетакрор илмий мерос ҳали-бери тўла ўрганилган эмас. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи керак.

Бугунги тантанали маросимда турли хорижий мамлакатлардан келган атоқли олимлар қатнашаётганидан фойдаланиб, аввало уларга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, уларни шу борада ўзаро илмий ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга даъват этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Биз истиқлол йилларида буюк боболаримизнинг шаъну шавкати, муборак номларини қайта тиклаш, уларнинг бой ва ноёб меросини ўрганиш, табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича қандай эзгу ишларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Айни пайтда Хоразм Маъмун академияси фаолиятини қайтадан тиклаганимиз она заминимизда яшаб ўтган ана шундай минглаб аждодларимиз хотирасига қўйилган буюк ва муаззам ёдгорлик бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Албатта, ушбу навқирон илм маскани салкам ўн йиллик фаолияти мобайнида мамлакатимиздаги илмий-интеллектуал жараёнларга уйғун ҳолда, муҳим изланиш ва тадқиқот ишларини амалга ошираётгани барчамизни қувонтиради. Жумладан, Хоразмнинг қадимий тарихи, миллий давлатчилигимиз асослари, воҳанинг тарихий ва археологик ёдгорликлари, ўзига хос маданиятини ўрганиш, ушбу минтақадаги экологик ҳолат, ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳаллий иқлим шароитига мос навлар яратиш, алмашлаб экиш муаммолари билан боғлиқ кўплаб масалалар бўйича жиддий изланишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Табиийки, келгусида бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш, илмий ишлар доирасини янада кенгайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Мен бу муҳим муаммоларни ҳал этишда Хоразм Маъмун академиясининг илмий жамоаси, катта салоҳиятга эга бўлган хоразмлик олимларимиз ўз билим ва тажрибаларини аямасдан меҳнат қилишига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Биз қадимий тарих, бой илмий-маданий мероснинг, улуғ алломаларнинг ворислари бўлганимиздан доимо фахрланиб яшаймиз. Шу билан бирга, бундай ворисийлик туйғуси ҳар биримизнинг зиммамизга ана шу аждодларга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклашини ҳам чуқур англаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон ва тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интилишимиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканимизни амалда намоён этишимиз, барчамиз, аввало навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен республикамиз олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш бўйича факультатив дарс ва семинарлар киритишни ва бунинг учун Фанлар академиямиз томонидан керакли дастур тайёрлашни таклиф этмоқчиман.

Нега деганда, бой тарихимиз, қадимий илдизларимизни, бизнинг қандай буюк мерос соҳиблари эканимизни чуқур ўрганиш миллий ўзлигимизни англашга хизмат қилади. Ўзлигини англаган халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг қутлуғ санасини бутун ўзбек халқи билан бирга нишонлаётган кўпни кўрган, меҳмондўст, мард ва танти Хоразм аҳли барчамизни ўз бағрига қабул қилмоқда.

Бу элнинг билим ва ҳаётга, маданият ва санъатга самимий иштиёқ ва чуқур интилиши бу заминни яқиндан биладиган ҳар қандай одамни ҳайратга солади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу халқнинг яна бир буюк аломати ва фазилати борки, мен бу ҳақда такрор-такрор гапиришдан чарчамайман. У ҳам бўлса, Хоразм аҳлининг ўз ерига меҳр-муҳаббати ва садоқатидир.

Қалбида, юрагида ана шундай хислат мужассам бўлгани учун ҳам бу эл «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас» деган эътиқод билан, ўз юртига доимо садоқат кўрсатиб яшайди.

Хоразм аҳли ўзининг ақлидроки, куч ва салоҳияти билан бу заминда қандай буюк мўъжизалар яратишга қодир эканини олис ва суронли тарих давомида неча бор исботлаган ва бугун ҳам исботлаб келмоқда.

Бугун биз кўпроқ Хоразм Маъмун академияси ҳақида сўз юритмоқдамиз. Лекин, менга буюрса, мана шу воҳанинг жазирама иссиғи, изғирин шамоллари ва оғир тупроқ шароитига қарамасдан, йил ўн икки ой мардонавор меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётган заҳматкаш ва фидойи Хоразм халқи деҳқончилик илмининг ҳақиқий академиги, Хоразм замини эса ўзига хос академиядир, деган бўлардим.

Мана шу қувончли дақиқаларда бу йилги мавсумда астойдил жонбозлик кўрсатиб, 275 минг тонна пахта, 63 минг тоннадан зиёд ғалла тайёрлаб, шартнома режаларини муваффақиятли адо этган Хоразм воҳасининг қўли қадоқ, миришкор деҳқонларига, барча меҳнаткашларига, мен учун қадрли бўлган сиз, азиз ёшулларга чин қалбимдан ташаккур билдиришга ижозат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини муносиб баҳолаб, мана шундай тарихий саналарни халқаро миқёсда кенг нишонлаш масаласида қўллаб-қувватлаб келаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, чет эллардан ташриф буюрган ҳурматли олимларга, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйини ўтказиш муносабати билан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширган қурувчи ва меъморларга, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз юртдошларим!

Бу ҳаёт, бу умр бамисоли Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун академияси алломалари бизга, башарият аҳлига қолдирган бой илмий мерос завол билмайди, ҳеч қачон ўзининг қиммати ва аҳамиятини йўқотмайди.

Буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардаларга бешик бўлган муқаддас диёримиз уларнинг муносиб давомчилари бўлмиш бугунги авлод вакилларига ҳам куч-қувват ва қанот беради, халқимиз орасидан янги-янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни тарбиялаб вояга етказади.

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда омад ва зафарлар тилайман.

Буюк аждодларимиз ёққан маърифат чироғи юртимизда доимо порлаб турсин!

Хоразм диёри, Хоразм эли ҳамиша омон бўлсин!

Ўзбекистонимизнинг шону шуҳрати янада зиёда бўлсин!

# Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди



(Боши 1-бетда)

...Хива — кўҳна Хоразмнинг бебаҳо гавҳари. Амударё соҳилида жойлашган ушбу муаззам шаҳар ўзининг бой ўтмиши, нодир меъморий обидалари билан ажралиб туради. Хиванинг Ичан қалъа қисми 1990 йили Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Саид Аловиддин мақбараси, Паҳлавон Маҳмуд мажмуи, Кўҳна Арк, Оқшайхбобо кўшки, Муҳаммад Аминхон, Оллоқулихон, Исломхўжа, Қутлуғмурод иноқ мадрасалари каби тарихий ёдгорликлари, кўҳна дарвозалари билан дунёга машҳур Хива, мана неча асрларки, инсониятни ҳайратлантириб келади.

Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тадбирларида иштирок этган меҳмонлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари кўҳна Хива шаҳрининг бебаҳо дурдоналари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябр куни ушбу юбилей муносабати билан Хоразмга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари Республика ихтисослаштирилган урология марказининг янгидан бунёд этилган Урганч филиали билан танишувдан бошланди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар Хоразм вилоятида ҳам ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, ихтисослашган мутахассислик бўғинлари соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илғор тиббий технологияларни татбиқ қилиш, касалликларнинг юқори технологик диагностикаси, даволаш ва касалликлар олдини олишда аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш масалаларини ҳал этиш долзарб вазифалардандир.

Президентимиз замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур марказнинг операция хонасини кўздан кечирди. Бемор тақдири шифокорларга боғлиқ экан, уларнинг тажриба ва малакасини ошириш, хусусан, малакали анестезиологлар ва хирургия ҳамширалари тайёрлаш борасидаги ишларни изчил кучайтириш лозим.

Юртбошимиз Урганч шаҳри марказини қайта қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Урганч шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани кишини қувонтиради, — деди Президентимиз. — Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси, "Авесто" боғи мажмуи шаҳар қиёфасига чирой бағишлаб турибди. Урганч янада чирой очмоқда. Аммо шаҳарнинг марказини, бош майдонни қайта қуриб чиқиш керак.

Президентимиз шаҳарда барпо этилажак янги майдон қурилиши борасида ўз тавсияларини берди.

Хоразм Маъмун академияси биноси олдида мазкур илм даргоҳининг 1000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Хоразм аҳлини, бутун халқимизни Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан қутлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн Ўзбекистон халқига мазкур нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацууранинг қутловини етказар экан, қадимий тамаддун бешикларидан бири - Маъмун академиясининг дунё цивилизациясида тутган ўрнига юксак баҳо берди. Тантана қатнашчилари бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни ўрганиш, ёшларни улуғ аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, асрий анъаналаримизни асраб-авайлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида гапириб, бу олижаноб ишларнинг барчасига бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.



...Юбилей арафасида академия замонавий жиҳозлар билан таъминланди, бир неча тадқиқот лабораториялари ташкил этилди. Физик-кимёвий тадқиқотлар лабораториясида ишга туширилган хроматограф тупроқ, сув ва ўсимликларнинг физик ва кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларнинг таркибидаги микро ва макроэлементларни, масалан, пестицид, гербицид, бошқа заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш имконини беради.

ДНК технологиялар лабораториясидаги янги ноёб ускуналар ёрдамида турли биологик материалларнинг генетик ва физиологик хоссаларини аниқлаш, шу жумладан, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар хасталиклари диагностикасини амалга ошириш, ҳолатини таҳлил қилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда академия ўз экспериментал базасига эга бўлиб, ундан Урганч Давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларининг олим ва талабалари ҳам унумли фойдаланмоқда. Термитлар тарқалишининг олдин олиш, тупроқшунослик, биологик фаол материалларнинг хоссаларини ўрганиш, ўсимлик бўёқларини олиш бўйича ўтказилаётган илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.



Дунёнинг турли тадқиқот марказлари билан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилгани академия олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда. Франциянинг Сорбонна ва Жанубий Кореянинг Кёнхи университетлари билан тарих, археология, этнография, биотехнологиялар соҳалари бўйича илмий алоқалар ўрнатилган. Франция миллий кутубхонаси билан қадимги ва ноёб қўлёзмаларни ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.



Маъмун академиясида 16 минг 600 нусха китоб фондига эга бўлган бой илмий кутубхона ва замонавий ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатаётир. Бу ерда ташкил этилган музейда камёб экспонатлар ва осори-атиқалар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб улуғ алломаларимиз, кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейлари ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда. Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ҳам ушбу нуфузли халқаро ташкилот иштирокида ўтмоқда. Халқимиз тафаккурининг дурдонаси бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларимизни асраб- авайлаш, уларни бойитиш, келгуси авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли тарихимизнинг янги-янги қирралари тадқиқ этилмоқда.

Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан Хива шаҳрида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўчалар таъмирланиб, кенгайтирилди. Айниқса, Амир Темур ва Нажмиддин Кубро шоҳкўчалари ўзгача чирой касб этди. Ўн километрлик ички суғориш тизимининг янгилангани шаҳар экологиясини яхшилашда катта аҳамият касб этади.

Шаҳардаги марказий стадион таъмирдан чиқарилиб, томошабинлар учун ҳам, спортчилар учун ҳам барча шароитлар яратилди. Замонавий дренаж тизими билан жиҳозланган футбол майдонида ҳар қандай об-ҳавода мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Хоразм Маъмун академияси биноси қайтадан реконструкция қилинди. Унинг олдида хиёбон, рангин фавворалар барпо этилди.

Энг муҳими, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги шарофати билан табаррук заминимизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мўътабар зотлар хотирасини яна бир бор ёдга олдик, уларнинг ўлмас даҳоси олдида таъзим бажо этдик. Бундай тадбирлар ёш авлодни Ватанга, ўз халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Темур ШАМАКОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

Руҳият таҳлили

# ТАНҚИДга қандай муносабатда бўлиш керак?







### МУҚАДДИМА

Танқид — инсонга оғир руҳий зарба саналади, чунки у шахсиятимиздаги энг қимматли ва нозик нуқталарни «чертади», қадр-қимматни топтайди, ўзига бўлган ишончни сусайтиради. Шунинг учун ҳам танқидга учраган инсон «ўз қиёфа»сини сақлаб қолиши қийин кечади. Ҳақоратланган ёки шахсияти поймол этилган пайтдаги каби танқидга учраган чоғда ҳам юздаги мулойимлик ниқоби тезда барҳам топади. Агар инсоннинг босиқлиги шунчаки ниқоб эмас, балки доимий одат бўлса, бу ҳолда уни ҳар қандай оғир вазият ҳам «из»дан чиқаролмайди.

Ҳаётида ҳеч бўлмаса бир марта танқид тиғига дуч келмаган инсонни учратиш қийин. Фаолиятингиз давомида танқидга учрашингиз эҳтимоли истисносиз бўлгани учун сизга ўзингизни текшириб кўришни тавсия этамиз. Бунинг учун қуйида мисол тариқасида келтирилувчи танқидларга жавобингизни ёзинг:

— Қанчалик уқувсизсиз-а (саводсиз, дангаса, қайсар...)

— Сизга битта гапни неча марта такрорлаш керак?

— Сиз доимо баҳслашасиз (кечикасиз, мижғовланасиз, ўйламай гапирасиз...)

— Сизга ҳеч бир ишни ишониб топшириб бўлмайди.

— Сиз ёмон ходимсиз.

Бундай қилаётганимизнинг боиси шундаки, аслида танқидга муносабатнинг тўрт тури мавжуд бўлиб, улардан учтаси хато, фақат биттаси кучли таъсир кўрсатиш қудратига эга. Аммо биз аксарият ҳолларда танқидга муносабат билдиришнинг хато йўлларини танлаймиз. Хўш, қаерда ва қандай ҳолда хатога йўл қўямиз? Ушбу мақолани қоралашдан мақсад сизни танқидга муносабат билдиришда йўл қўйиладиган одатий хатолардан огоҳ этиш ва тўғри йўлни кўрсатишдан иборатдир. Демак, асосий муддаога кўчсак хам бўлади...

### БИЗ ПАЙҚАМАЙДИГАН ХАТОЛАР

Сўзимиз аввалини бежиз танқидга хато муносабатлардан бошлаётганимиз йўқ. Чунки бу борадаги ўз хатоларимизни англашимиз танқидга тўғри муносабатни шакллантиришдаги биринчи қадам саналади. Маълумки, муваффақиятнинг гарови илк қадамнинг тўғри қўйилишидир. Бизнинг танқидга муносабат билдиришдаги хатоларимиз эса қуйидагилардир:

**ЎЗНИ ОҚЛАШ.** Бу 60 фоиз ҳолатда учрайди. Ходим танқидга жавобан айтилган жумлалар ҳаққоний эмаслигини, ўзининг айбсизлигини англатишга интилиб, ўзини оқлаш учун кўплаб далиллар келтиради. Бундай муносабатнинг хато жиҳати шундаки, ўзимизни оқлаш билан биз болаларча йўл тутган бўламиз. Зеро, ўзимизни оқлашимиз ҳеч кимга керак эмас, уни биздан кутишмайди ҳам, эшитишни исташмайди ҳам.

**ҚАРШИ ҲУЖУМ.** Танқидга жавобан ходим қарши танқид ёғдиради: «Ўзингиз шундайсиз!», «Шундай одамнинг ўзидан эшитяпманми?», «Сиз аввал ўзингизни билинг!» ва ҳоказо. Бу тахминан 20 фоиз ҳолатда кузатилади. Бундай муносабат нима учун хато?! Гап шундаки, қарши ҳужум ҳамиша ҳеч қандай наф келтирмайдиган низога сабабчи бўлади. Фақат асаббузарлик ва муносабатларнинг ёмонлашишига олиб келади, холос. Эҳтимол, ғазабингизнинг алангаланиши сизга бир муддат бўлса-да, тасалли бериши мумкиндир, лекин бу ҳолат муаммони оқилона ҳал қилишнинг барча йўлларини тўсиб қўяди.

**СУКУТ САҚЛАШ**. Инсон танқид ва ҳақоратларга сукут билан жавоб қайтарар экан, кўнглидан эътироз билдирмаслик танқид қилаётган одамни “қуролсизлантиради” ва ғазаб отидан туширади, деган фикр кечади. Қарийб 10 фоиз ҳолатда кишилар танқидга муносабат билдиришнинг шу усулини маъқул кўришади. Лекин шуниси ажабланарлики, уларнинг ҳеч бири танқид қилаётган одамнинг қандай муносабатда бўлишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Аслида бу ҳолат икки хил кўринишда қабул қилинади: биринчиси — “Сукут — аломати ризо” қабилида танқид қилувчи ўз эътирозларини сиз томондан тан олинди, дея баҳолайди. Иккинчи ҳолатда эса “Менга ўчакишиб ҳам индамасликни лозим топди”, деган ўйда ғазаби кучаяди.

Бундан ташқари, психологларнинг таъкидлашларича, инсоннинг ҳақоратларни жимгина ичига ютиши ўзига кучли зарар етказади. Чунки танқидга шу йўл билан муносабат билдирар экансиз, ҳеч бўлмаганда, кейинроқ “ҳовурдан чиқиш” лозим. Лекин шуни унутмангки, сиздан салбий кечинмаларни ўзингиздан “итқитаётган” чоғда ҳеч қачон атрофдагиларга кўрслик қилмаслик талаб этилади.

Эҳтимол, ўзингизни оқлашдан кўра, қарши ҳужумга ўтиш ёки сукут сақлашни маъқулроқ, деб ҳисобларсиз. Аммо бу борада танқиднинг турларига кўра бир қанча йўлларни ўзида мужассам этган энг муносиб усул ҳам мавжуд бўлиб, биз бу ҳақда кейинги бўлимда сўз юритамиз.

### ТАНҚИДНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНГА МУНОСАБАТ

Муомала маданияти бевосита танқидга муносабатни ҳам ўз ичига олади. Аслида муомала маданияти борасида энг асосий хатомиз танқидга фожиа сифатида қарашимиздир. Аслида эса унга инсон табиати ва ҳаётидаги одатий ҳолатлардан бири сифатида қарашимиз ва оқиллик ҳамда босиқлик билан муносабат билдиришимиз керак. Шундай йўл тутишингиз жамоадаги обрўйингизнинг ошишига ва дилингизда ўзингизга бўлган ишонч туйғусининг уйғонишига сабаб бўлади. Шунинг учун ушбу бўлимда танқиднинг турлари тўғрисида маълумот берамиз ва унга қандай муносабатда бўлиш ҳақида фикр юритамиз.

Танқиднинг уч тури мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос муносабатни талаб этади. Уларни ўзлаштириш эса фойдадан холи эмас, албатта.

Биринчи тур — тўлалигича ноҳақ танқид. Бу — камситиш, ҳақорат (“Фаросатсиз”, “Дангаса” ва ҳоказо) ва умумийлашган (“Бу қандай бемаънилик?”, “Нега ҳаддингиздан ошяпсиз?”, “Буни қандай изоҳлаш мумкин?” каби) танқиддир.

Ҳақорат сўзларини қўллаётган киши, табиийки, тафаккурнинг эмас, балки ҳиссиётнинг таъсирида бўлади. Демак, сизнинг вазифангиз уни тинчлантириш ва фикрлашга мажбур этишдир. Ушбу мақсадга интилган ҳолда босиқлик ва хайриҳоҳлик билан ўртага танқид қилувчининг фикрини аниқлаштиришга ҳамда фикрлашга қайтаришга йўналтирувчи бир нечта савол ташлаш керак. Масалан: “Айнан нимани назарда тутяпсиз?”, “Фикрингизга мисоллар келтира оласизми?”, “Айнан нимадан кўнглингиз тўлмаётганини аниқроқ айта оласизми?” кабилар. Сизнинг бундай саволларингиз танқид қилувчи кўнглида ажабланиш туйғусини уйғотиши табиий. Ҳаттоки уни ғазаблантириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Зеро, бу — ушбу вазиятда сизнинг устунлик қилаётганлигингизни ҳис эта бошлаганидан далолатдир. Чунки у ожизона ўзни оқлашларга, қарши ҳужумларга ёки мутеларча сукут сақлашларга кўникиб қолган. Сиз эса осойишта ҳолда ўзингизга йўналтирилган танқидий фикрларни ойдинлаштиришга ва уларнинг адолатли бўлишига эришиш учун интиляпсиз. Шундай қилинса, танқид қилувчининг ҳайрати ва ғазаби тезда сизга бўлган ҳурмат туйғуси билан алмашади. Шундан сўнг у сизни танқид қиладиган бўлса, фикрини аниқ ифодалайди ёки жаҳли чиққан чоғда ҳам сизни четлаб ўтиб, қаҳр «тиғи»ни бошқаларга йўналтиради.

**Иккинчи тур — қисман ҳақли танқид.** Бу — сизнинг одатларингиз ва табиатингизни танқид қилиш ёки бирор хатти-ҳаракатингиз тўғрисида фикр билдиришдир. Масалан, «Сиз ҳамиша кеч келасиз (баҳслашасиз, бемаъни гапларни гапирасиз...)». Ушбу ҳолатда танқид қилувчи ҳақорат сўзларни ишлатмайди, аксинча, сизнинг қандайдир бир камчилигингизни кўрсатиб ўтади, аммо танқидида барибир умумийликка йўл қўяди.

Бундай вақтда қуйидагича йўл тутиш даркор: танқиднинг асосли қисмини тан олинг, қолганига эса муносабат билдирманг. Жавобни эса, албатта, «Ҳа» сўзи билан бошланг. Ушбу сеҳрли калом суҳбатдошингизни тинчлантиришга, ўзини қўлга олишига, муросага тайёрлигини намойиш этишига ёрдам беради. Ҳеч қачон «Ҳа, аммо...» деманг, чунки айнан «аммо» сўзи эътироз сифатида навбатдаги танқид «ёмғири»га сабабчи бўлади. Мулоқот санъатининг чўққиси танқид остига олинган камчиликни фазилат тарзида намоён эта билиш ҳисобланади.

Масалан:

— Сиз ҳамиша мен билан баҳслашасиз!

— Ҳа, сиз билан баҳслашиб, ҳақиқатни аниқлаштириш мен учун ёқимли!

Ёки:

— Сиз ҳамма ишни робот мисол ўйламай бажарасиз!

— Ҳа, мен робот каби ўта ишончлиман.

**Учинчи тур — тўла асосли танқид.** Бу ҳолда сизнинг хато сўзингиз ёки хатти-ҳаракатингиз аниқ-равшан тилга олинади.

Дарҳол тан олинг, гапни яна, албатта, «Ҳа» сўзи билан бошланг:

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Энди бу ҳол бошқа такрорланмайди.

— Ҳа, шундай, бундан жуда афсусдаман.

Кўпчилик бундай вазиятда «Мени кечиринг» жумласини қўллайди. Сизга зарур бўлмаган вазиятларда ҳам узр сўрайверишни тавсия этмаймиз. Чунки бу кишини ўз кучига ишонмайдиган инсон сифатида намоён этади.

Танқидга тўғри муносабатда бўлиш орқали сиз ўзингизни қайтадан кашф этганингиздек, жамоангиз аъзоларининг ҳам сизга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгариши табиий. Бунинг учун эса озгина идрок эгаси бўлсангиз кифоя...

### ЯНА БИР КИЧИК СИР

Танқидга тўғри муносабат фақатгина биз юқорида қайд этганларнинг ўзидангина иборат эмас. Бу ҳолнинг яна бир нозик жиҳати мавжуд. У — исталган танқидга жавоб қайтараётган вақтда алоҳида аҳамият қаратишингиз лозим бўлган уч усулдир.

Ушбу бўлимда биз айнан шу ҳақда сўз юритамиз. Унинг нозиклиги шундаки, сиз танқидга қанчалик тўғри муносабатда бўлманг, қуйида сўз юритадиган жиҳатга риоя қилмасангиз, ҳаракатларингиз зое кетиши ҳеч гап эмас.

Хотиржамлик, фақат хотиржамлик. Астрид Линдгреннинг қаҳрамони бўлмиш шўх Карлсон учун севимли бўлган ушбу жумла айнан сизга ҳам ҳамроҳ бўлиши керак. Чунки танқидга ҳамиша босиқ, хайриҳоҳ ва манфаатдор оҳангда жавоб қайтариш шарт. Тажовузкор, киноя ёки жиззаки оҳанг билан барча «тоат- ибодатингиз» чиппакка чиқиши тайин.

**Сўзларнинг ҳисобини олиб боринг.** Жавоб имкон қадар қисқа бўлиши даркор. Узоғи билан 5 та сўз! Битта ҳам ортиқ эмас! Зеро, қисқалик айнан танқид қилаётган шахсга яна бир эътирозга имкон бермаслик ва сизни ўз тилингиздан «ушламаслиги» учун керак.

**Жавоб қайтаришда шошилманг.** Аслида қуйидаги каби риторик саволларга тезда жавоб қайтариб бўлмайди:

— Нега ҳаддингиздан ошяпсиз?

— Сизга неча марта такрорлаш керак?

— Савод (фаросат, мия) борми ўзи?

Аслида ушбу маккорона саволларга муносиб жавобнинг ўзи йўқ. Шунинг учун танқид қилувчи ғолибона ҳолда, тешиб юборгудек нигоҳ билан тикилиб, сизнинг ҳолатингизни кузатар экан, босиқлик билан ундан: «Чиндан ҳам бу сизни қизиқтирадими?» — деб сўранг. Кузатувлардан аниқланишича, 70 фоиз ҳолатда ўз саволининг ўринсиз эканини англаб етган танқид қилувчи: «Йўқ, қизиқтирмайди!» — дея жавоб қайтаради. Демак, сизнинг ўша танқидга жавоб қайтаришингиз мутлақо шарт бўлмай қолади. Бордию, у: “Ҳа, қизиқтиради!» — дегудек бўлса, саволнинг маъносига муносиб қисқа жавоб қайтариш лозим.

Масалан:

— Нима, Ойдан тушганмисиз?

— Чиндан ҳам бу сизни қизиқтирадими?

— Ҳа, қизиқтиради!

— Мен Ерликман...

### ХОТИМА

Биз атрофимиздаги инсонлар табиатини ўзгартириш қудратига эга эмасмиз. Уларнинг танқидга мойилликларини бошқа бирор фазилатга алмаштириш имкони ҳам бизда йўқ. Лекин бизда уларнинг табиатларидаги ана шу қирраларига қарши кучли ҳимоя воситаси борки, у айнан танқидга тўғри муносабатда бўлишдир. Бу ҳолат сизга кўнгил осойишталиги, хотиржамлиги, ўзингизга ишонч ҳиссини уйғотиш билан биргаликда жамоада ўзига хос нуфуз орттиришингизга ҳам сабабчи бўлади.

Шундай экан, бу борадаги билим ва тажрибангиз фақат ва фақат ўзингиз учун фойдадир.

Албатта, танқид тиғи сизни четлаб ўтишига тилакдошмиз. Биз ҳеч ким бировни танқид ёки ҳақорат қилмаслигини истаймиз. Лекин ҳаёт истакларимиз асосига қурилган эмас, унда тасодифлар, кутилмаган ҳолатлар бисёр. Зеро, биз истамаган ҳолат кутилмаган вақтда юз бериши ҳаётнинг ёзилмаган ва табиий қонуни. Уни ўзгартириш инсон қўлида эмас. Лекин бизнинг атрофдагиларга таъсир ўтказа олиш имконимиз бор. Ва ундан фойдаланиш ҳуқуқимизни ҳеч ким бекор қилолмайди. Бу борада тажриба орттириш ва уни ҳаётимизда қўллаш ҳам ўз қўлимизда.

**Маъруф ТОШПЎЛАТОВ,**
**журналист**

# КУБОК ҚАЙСИ ЖАМОАГА НАСИБ ЭТАДИ?

***Ўлкамизда олтин куз фаслининг сўнгги ойи бошланган паллада пойтахтимиздаги “Истиқлол” спорт мажмуида давом этаётган оммавий ахборот воситаларининг Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган турнири ҳам ўз якуни сари сўнгги қадамларни ташлади. Кеча турнирнинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.***

***Дастлаб пайшанба куни ўтган чорак финал учрашувлари ҳақида тўхталиб ўтсак.***

## ДОИМО ҲАЛОЛ ЎЙНАНГ

Ҳамма нарсанинг ўз қонун-қоидаси бўлгани сингари “Доим ҳалол ўйнанг” шиори футболнинг ҳам олтин қоидасидир. Халқаро футбол федерацияси — ФИФАнинг ушбу қоидаси сайёрамизда ўтаётган барча турниру чемпионатларга бирдек тааллуқли. Аммо гуруч курмаксиз бўлмагани сингари бундай кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлиб туради. Мисол учун, Италиядек футбол ривожланган мамлакатда ғирромлик билан футбол ўйинларини сотиб олган жамоалар борлиги, боз устига улар қитъанинг энг номдор жамоалари бўлиб чиқиши кимнинг хаёлига келибди, дерсиз. Аммо “қинғир иш бир кун ошкор бўлиши” аниқ.

Шу боис Олимжон Акбаров хотира турнири ташкилий қўмитаси “доимо ҳалол ўйнанг” шиорига тўлиқ амал қилганини алоҳида таъкидлашни истардик.

Маълумки, барча гуруҳларда бўлгани сингари “Ишонч” жамоаси тўп сураётган “Д” гуруҳида чорак финалга чиқиш учун кураш анча муросасиз кечди. Шу сабаб, жамоалар чорак финал йўлланмаси учун жонжаҳдлари билан курашди, десак муболаға бўлмас. Гуруҳ баҳсларида ўзаро тўқнаш келган “XXI аср” газетаси жамоаси ҳамда “Ёш куч” журнали вакиллари ўйинидан сўнг, газетачилар рақиб жамоа таркибига шубҳа билдиришди. Ташкилий қўмита ушбу масалани ўрганиб, ўйиндаги 3:6 ҳисобини бекор қилгач, “Ёш куч” жамоасига техник мағлубият ёзилди. Низомга кўра, техник мағлубият ёзилган жамоанинг очколари бекор қилиниб, жамоа турнирдан четлатилиши лозим эди. Лекин жамоа керакли ҳужжатларни тақдим этгунга қадар кейинги икки турда “Ишонч” ҳамда “Тошкент ҳақиқати” жамоалари 8:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратилди. Тўплар нисбати гўё уларга омад келтиргандек эди.




Ана шу жойда ташкилий қўмита масалани жиддий ўрганиб, адолатли қарор чиқарди. “Ёш куч ” жамоаси ўз вақтида керакли ҳужжатларни тақдим этмагани учун, турнирда улар билан тенг очко жамғарган вакилларимиз чорак финалга йўл олди.



## ЖАМОАМИЗ ЧОРАК ФИНАЛЧИ!

Бу йилги Олимжон Акбаров хотира турнирида қатнашувчи жамоалар сони анча кўпайди. Ўтган йили 16 та жамоа қатнашган турнир бу йил ўз таркибига 20 та жамоани тўплади. Яъни “Ишонч”, “XXI аср”, “Тошкент ҳақиқати” газеталари ҳамда “Шарқ” ва “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа корхоналари жамоалари турнир сафини кенгайтирди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ўқитувчиларидан ташкил топган жамоа ҳам шогирдларига қарши бинойидек тўп сурди. Гуруҳ баҳслари шиддатли ўтди.

Чорак финалда “Маърифат” - “Садо”, “Ўз ТВ”—“Ўзбекистон футболи”, “МТРК”-“Ишонч”, “Наврўз FM”-“Хонадон” жамоалари рўбарў келишди. Биринчи учрашувда ўтган йили турнир ярим финалчиси бўлган маърифатчилар “Садо FM” жамоасини 7:3 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ярим финалга йўл олди. Кейинги ўйинда жамоамиз вакиллари ўтган йили турнир ғолиби “МТРК” жамоасига қарши майдонга тушди. Вакилларимиз биринчи таймда иккита тўп ўтказиб юборди. Иккинчи таймда ҳам шундай ҳолат такрорланиб, “МТРК” жамоаси ҳақли равишда кейинги босқичга йўлланма олди.



## НАБИРАСИГА ТЎП ОШИРАЁТГАН БОБО

Шу кун 11.30 да “Наврўз FM” ҳамда “Хонадон” газетаси жамоалари ўртасидаги ўйин бошланди. Биринчи тайм 2:1 ҳисобида наврўзчилар фойдасига ҳал бўлди. “Наврўз” жамоаси таркибида Имомхўжаевлар сулоласи ўйинини кўриб, ҳавасимиз келди. Жамоанинг ҳужум чизиғида тўп сураётган Ахбор Имомхўжаев набираси Диёр билан шунақанги чиройли “комбинациялар” (Ахбор ака шарҳларидан) уюштирдики, гоҳ бобо набирасига тўп оширса, гоҳ набира бобосини қулай вазиятда кўриб, тўп билан сийларди. Тўғриси, аллақачон 70 ёшни уриб қўйган футбол фахрийсининг “оилавий” жамоасида яна Зафар ва Аброр Имомхўжаевлар ҳам тўп сургани қувонарли бўлди. Якунда наврўзчилар 3:2 ҳисобида зафар қучди. Яна бир чорак финалда “Ўзбекистон футболи” жамоаси “ЎзТВ” вакилларини 4:0 ҳисобида енгди. Шундай қилиб, бу йил ҳам ўтган йилги рақиб жамоалар финал йўлланмаси учун курашадиган бўлди.



Кеча бўлиб ўтган ярим финал учрашувларидан сўнг финалчилар номи маълум бўлди. Дастлаб майдонда куч синашган “МТРК”-“Маърифат” учрашувида телевидение ходимларининг қўли баланд келди. Ҳисоб 3:0

Кейинги учрашувда “Ўзбекистон футболи” ва “Наврўз FM” жамоалари финал йўлланмаси учун курашди. Ўйиннинг асосий вақтида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Навбат қўшимча вақтга келди. Бироқ, бу бўлимларда ҳам ҳисоб ўзгармади. Шундан сўнг “лотореялар” серияси бўлмиш пенальтилар бошланди. Унда омад “Ўзбекистон футболи” жамоасига кулиб боқди. Энди улар финалда “МТРК” жамоасига қарши ўйинда нималарга қодир эканликларини намойиш этади. Албатта, биз ҳар икки жамоага омад тилаган ҳолда ҳалол ўйинда ғалаба кучлиларники бўлсин деймиз.



**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**“Ишонч” мухбири**

# Етти иқлим нафаси

## ФИРИБГАР ҚАМАЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таъминот бўлими ходими фирибгарликда айбланиб ҳибсга олинди. Тергов маълумотларига қараганда, ҳиндистонлик Санжай Баҳил хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, бир неча ҳинд фирмалари билан 50 миллион долларлик шартномалар тузган. Кўрсатилган «мурувват» эвазига Манхеттендан текин уй олган. Баҳил ёрдамида асосий шартнома тузган ҳинд тадбиркори Нишон Кўҳли ҳам ҳибсга олинди. Лекин Санжай Баҳил 900000 доллар гаров тўлагани учун ҳозирча озодликда. Баҳил ва унинг ҳамтовоғини ўн йил муддатга қамоқ жазоси кутмоқда.

## ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ



Украина чегарачилари томонидан ушланган бир гуруҳ Грузия фуқаролари мамлакатдан чиқариб юборилди. Украина давлат чегара хизматининг хабарига кўра, 14 нафар Грузия фуқароси нолегал равишда Словакияга ўтиб, у ердан Австрияга кетмоқчи бўлган. Йил бошидан буён жами 4500 нафар нолегал мигрантлар мамлакатдан департация қилинган.



## ҚИДИРУВ ТЎХТАТИЛДИ

Жанубий Корея Россиянинг чўкиб кетган "Синегорье" юк ташувчи кемаси денгизчилари қидирувини тўхтатди. Владивосток денгиз қутқарув-мувофиқлаштириш маркази вакилининг сўзига кўра, "Синегорье" экипажи аъзолари қидирувини Корея Республикаси қирғоқ муҳофазаси патрул хизмати навбатдаги денгиз чиқишларида давом эттирадилар. Шунингдек, ҳалокат рўй берган жойдан ўтадиган барча кемалар ҳам йўқолганларни қидириб кўради. Ҳозирга қадар икки денгизчининг жасади топилмаган. 18 нафар экипаж аъзосидан 11 нафари қутқарилган.



## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЗАҲАР

Россиянинг Иркутск вилоятида 78 нафар киши сифатсиз алкогол ичимлигидан заҳарланган. Шундай қилиб истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликдан жабр кўрганлар сони 1233 тага етди. Соғлиқни сақлаш вилоят бошқармасининг маълумотига кўра, мингта бемор заҳарланиш ташҳиси билан касалхонага ётқизилган. Заҳарланиш оқибатида 40 киши ҳаётдан кўз юмди. Даволаш муассасаларида қўшимча ўринлар, зарур дори-дармонлар олиш чоралари кўрилаяпти.

## ТЕРРОРИЗМДА АЙБЛАНАДИ

Вьетнамда 3 нафар АҚШ фуқароси қўпорувчиликка тайёргарлик кўришда айбланмоқда. Умуман, террористик фаолиятни режалаштиришда жами 7 киши айбланаяпти. 13 ойдан буён улар қамоқда эди. Бугун иш Ҳошимин шаҳри халқ судиға оширилди.





## ЖАҲЛДОР ОЛМАХОН

Питтсбургдан унча йироқ бўлмаган Ойл Сити шаҳрида америкалик почтальон Барби Доэртига жаҳлдор олмахон ҳужум қилди. "Уйимни остонасида олмахоннинг ўтирганини кўриб қолдим. Почтани қутига солиб, бурилиб кета бошладим. Кутилмаганда олмахон менга ташланиб қолса бўладими? Уни думидан ушладиму отиб юбордим. Ярамас. Менга жароҳат етказди", — дейди Доэрти.

Уни шошилинч равишда касалхонага олиб бориб жароҳатлари тикилди ва қутуришга қарши эмланди.

## ОЛИБ ҚОЧАРЛАР



АҚШда ҳар 25 сонияда битта автомобилни олиб қочишади. 2005 йилда бу ерда 1235226 та автомобил олиб қочилган. 2004 йилда эса бу кўрсаткич 2625 тага ортган. 2005 йилда олиб қочилган автомобиллардан атиги 62 фоизи эгаларига қайтарилган.

**Кадрлар хизматларининг раҳбарлари ва ходимлари, ходимларни бошқариш бўйича менежерлар, мулкчиликнинг турли шаклларига ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**Ҳурматли жаноблар!**
2007 йилнинг январ ойидан бошлаб янги ойлик профессионал нашр –
**"Kadrlar masalalari bo'yicha ma'lumotnoma" / "Справочник по кадровым вопросам"**
журнали (икки тил – ўзбек ва рус тилларида) чиқа бошлайди.

Нашрнинг "Назариядан амалиётга" деган ғоясига таяниб, журналда фойдали меъёрий-методик маълумотлар, кадрлар бўйича мутахассиснинг кундалик ишида қўл келадиган материаллар, вазирликлар ва идоралар экспертларининг тавсиялари, амалиётчи мутахассислар ва олимларнинг қуйидаги масалаларга доир фикрлари эълон қилинади:

* кадрларга доир иш юритиш;
* меҳнат муносабатлари бўйича юридик маслаҳатлар;
* ходимларни бошқариш;
* кадрлар билан ишлаш амалиёти;
* жойларда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;
* ижтимоий ҳимоя;
* архив иши;
* меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

Рукнлар доимий тусдалиги материаллар тизимли тақдим этилишини, баён соддалиги эса, материаллар тушунарли бўлишини таъминлайди. Қамраб олинадиган масалалар доираси кенглиги кадрлар хизматининг эндигина иш бошлаётган ходимларига ҳам, бу соҳада бой тажрибага эга мутахассисларга ҳам нашрдан фойдаланиш имконини беради.

**Сиз ўзингизга қулай исталган усулда нашрга обуна бўлишингиз ва ўзингизга маъқул муддатга обуна шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин:**

* таҳририятда, 20, Тошкент ш., 100015, Ойбек кўчаси, e-mail: publishing@mcfr.uz тел.\факс: (+99871) 152-13-23. (энг яхши вариант);
* почта алоқаси бўлимида;
* шунингдек обуна агентликлари орқали.

***Нашрнинг обуна индекси:***
индивидуал обуначилар учун – 1134
идоралар обунаси учун – 1135

нашр формати – А4,
саҳифалар сони – 84.

**Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон**
«MTSFER-U Nashriyot uyi» МЧЖ
Рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома 30.06.2006 й. № 498

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Қодиржон Парпиевга укаси
**Кудрат ПАРПИЕВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма Кенгаши "Ўзавтосаноат" акционерлик компанияси бошқаруви раиси, тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кенгаши аъзоси
**Кудрат ПАРПИЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

